

ФУТБОЛДА ТЕЗКОР ХУЖУМГА ҚАРШИ ҲИМОЯ

Набижонов А.

ЎзДЖТСУ, 2-босқич магистранти

Аннотация. Мазкур тезисда футболда тезкор ҳужумга қарши ҳимоя ҳақида сўз боради. Тезисда давомида турли фикр ва мулоҳазалар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: жамоавий ҳимояланиш, рақибларга қарши уюшқоқ тактик ҳаракатлар, ҳимоядаги команда ҳаракатлари.

Агар рақиб томон ҳужумга ўтаётганда, тактик восита сифатида марказ ёки қанот бўйлаб тўп узатиб беришдан фойдаланиб, асосан, тез ҳужумга зўр берадиган бўлса, ҳимояланаётган команда ўйинчилари мудофаанинг биринчи босқичида тўп бошқараётган рақибга фаол ҳужум қилиб, бунда қуйидагиларга интилишлари керак:

а) ҳужумнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз чиқишини белгилайдиган биринчи узатишга тўсқинлик қилиш;

б) рақибни хато қилишга, энг яқин турган шерикларига кераксиз узатишлар қилишга мажбур этиш;


в) ҳар ким ўзи кўриқлаётган ўйинчисини жуда яқиндан тўсиб олади, чунки тўпи бор ўйинчи олди тўсилган шеригига тўп узатмайди, узоқ позициядаги ўйинчига тўп узатишга уриниш эса ҳимоячиларнинг тўп учун курашини осонлаштиради.

Агар рақиб фаол манёвр қилаётган бўлса, мудофаанинг иккинчи босқичи қаттиқ шахсий кўриқлашни ёки (зона тизимидаги мудофаада) айрим зоналарда пайдо бўлиб турган рақибларни синчиклаб кузатиб, уларнинг ҳужумни ривож топтиришга уринишларини барбод қилишини назарда тутади.

Агар рақиблар марказ бўйлаб ўйнаётган бўлса, ҳимоя қатори ўйинчилари марказий зонани мустаҳкамлаш ва ҳужум қилиш бурчакларини кичрайтириш учун жарима майдони ҳудудига зичроқ тўпланиб оладилар. Борди-ю қанот бўйлаб ҳужум қилинаётган бўлса, унда ҳимоя қатори ўйинчилари ҳужум йўналиши томонга яқинлаша бориб, ишончлироқ страховка қилиш мақсадида қарши томондаги қанотни кўпинча кимсасиз қолдирадилар. Биринчи ҳолда, яъни рақиблар марказдан ҳужум қилаётганида, страховка орқага қараган бурчак шаклида бўлиб, бунда ортки марказий ҳимоячи бош роль ўйнайди. Иккинчи ҳолда эса ўйинчи билан фаол курашдан озод бўлган ва дарвоза томонга яқин

диагонал бўйлаб орқада турган қанот ҳимоячиси ҳам страховка учун ортдаги марказий ҳимоячи билан баб-баравар жавобгар бўлади.

Мудофаанинг учинчи босқичида тўп ва ўйин жойи учун бевосита кураш назарда тутилади.



1-расм. Тез ҳужумга қарши ҳаракатлар

1-расмда тез ҳужумга қарши ҳимоя вариантларидан бири кўрсатилган.

3-ортки марказий ҳимоячи очилиб чиққан 9-ўйинчига йўналтирилган тўпни олиб қолди. Ҳимоячи тўпни олиб қўйганига қарамай, 9-ўйинчи 7- ва қисман 6-ўйинчилар ёрдамида тўп учун курашни давом эттиради.

Тезкор ҳужумга қарши ҳимояга бўлган асосий талаблар:

1. Тўпни яна қўлга киритиш ёки рақибнинг узоққа биринчи тўп узатишига ҳалақит бериш учун, албатта тўп учун курашга киришиш керак.

2. Рақибларнинг тезкор манёвр қилиши олдини олиш билан бир вақтда майдоннинг ҳал қилувчи қисмларида ўйинчилар гуруҳларини кўпайтириш ҳисобига дарвоза томон ўтадиган ҳамма йўлларни ёпиб қўйиш учун иккинчи ва учинчи босқичларда ўйинчилар аниқ ҳаракат қилишлари лозим.

3. Узоқдан тўп биринчи марта кимга узатиб берилса, ўша ўйинчи нейтралланади.